



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

2020 йил ноябрь ойи учун

2020

Январь

Февраль

Март

Апрель

Май

Июнь

Июль

Август

Сентябрь

Октябрь

Ноябрь

Декабрь

Мундарижа


I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси	2
II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар.....	3
Иқтисодий фаоллик ва Ишбилармонлик кайфияти индекслари	3
Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	5
Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	7
Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	8
Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	10
III. Методологик изоҳлар.....	12

I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси


Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди.

2020 йилнинг ноябрь ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан **714** та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 365 таси (51,1 фоизи) саноат соҳасида, 179 таси (25,1 фоизи) хизматлар соҳасида, 86 таси (12 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 84 таси (11,8 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши




II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари

Сўров натижалари **иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг** 2020 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида кузатилган барқарорлашишидан сўнг, ноябрь ойида бирмунча пасайганлигини кўрсатди.

3-расм. Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг шаклланиши




Хусусан, ноябрь ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ)** 51 ни ташкил этиб, октябрь ойига (53,2) нисбатан 2,2 бирликка, **ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ)** 57,4 ни ташкил этиб, (октябрь ойида 58,8) 1,4 бирликка пасайган.

Иқтисодий фаоллик индексининг пасайиши, тармоқлар кесимида қаралганда, хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик индексининг октябрь ойидаги 58,2 дан ноябрь ойида 51,4 гача ёки 6,8 бирликка пасайиши билан изоҳланади.


Шу билан бирга, ноябрь ойи учун ўтказилган сўров натижалари саноат, қурилиш ва савдо соҳаларида иқтисодий фаоллик деярли октябрь ойи даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Бунда, иқтисодий фаоллик индекси саноат соҳасида 0,3 бирликка, қурилиш соҳасида 0,2 бирликка ва савдо соҳасида 0,6 бирликка ошган.

4-расм. Иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий фаоллик индексининг шаклланиши



Шунингдек, тармоқлар кесимида **ишбилармонлик кайфияти индекси** қурилиш соҳасида ошган бўлса, саноат, хизматлар ва савдо соҳаларида бирмунча пасайган.

5-расм. Иқтисодиёт тармоқларида ишбилармонлик кайфияти индексининг шаклланиши




Бунда, ноябрь ойида ишбилармонлик кайфияти индекси октябрь ойига нисбатан қурилиш соҳасида 3,1 бирликка ошган бўлса, саноат соҳасида 1,8 бирликка, хизматлар соҳасида 2,1 бирликка, савдо соҳасида 1,7 бирликка пасайган.

Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Жорий йилнинг ноябрь ойида (50,5) саноат соҳасида **иқтисодий фаоллик индекси** октябрь ойига (50,2) нисбатан деярли ўзгаришсиз қолди.

6-расм. Саноат соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Бунда, мазкур индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш ҳажми** ҳамда **иш ўринлари сонининг** ўзгариши бўйича ҳисобланган индекслар октябрь ойига нисбатан мос равишда **1,6** ва **0,5** бирликка ошган бўлса, маҳсулотларга **буюртмалар** ҳамда хом ашё захиралари индекслари 0,6 ва 0,3 бирликка камайган.

Саноат тармоқлари кесимида, иқтисодий фаоллик индекси озиқ-овқат, текстиль, ёғоч, мебель, қоғоз ишлаб чиқариш саноатларида ошган бўлса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва саноатнинг бошқа соҳаларида пасайган.

Бунда, озиқ-овқат ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида ушбу тармоқлар маҳсулотларига талабнинг тикланиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлса, текстиль саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши пахта хом ашёсининг мавсумий ошиши билан изоҳланиши мумкин.


Шу билан бирга, ноябрь ойида ишлаб чиқариш ҳажмлари камайганлигини қайд этган респондентларнинг 38 фоизи пандемиядан олдинги даврга нисбатан талабнинг пастлигини, 25 фоизи электр энергияси, 22 фоизи газ ва хом ашё таъминоти билан боғлиқ муммолар мавжудлигини маълум қилган.

7-расм. Саноат соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шунингдек, соҳада **ишбилармонлик кайфияти индекси** бирмунча пасайган (октябрь ойига нисбатан 1,8 бирликка камайган) бўлиб, индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш, иш ўринлари сони ва маҳсулотларга буюртмалар ҳолати бўйича кутилмалар** мос равишда 3,4, 2,3 ва 0,6 бирликка камайган.

8-расм. Саноат корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, ноябрь ойи якунлари бўйича ўтказилган сўров натижалари соҳадаги корхоналарнинг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси** ҳам яхшиланганлигини кўрсатди. Хусусан, ноябрь ойида корхоналарнинг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати** индексларининг мос равишда 0,3 ва 1,6 бирликка ошганлиги кузатилди.

Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Ноябрь ойида қурилиш ишлари соҳасидаги **иқтисодий фаоллик индекси** деярли октябрь ойи (50,2) даражасида сақланиб қолган бўлиб, 50,4 ни ташкил қилди.

9-расм. Қурилиш соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Бунда, иш ўринлари сони индекси 48,8 дан 52,4 гача ошган бўлса, бажарилган қурилиш ишлари ҳажми индекси 53,5 дан 51,8 гача ва буюртмалар индекси 48,3 дан 47 гача камайган. Мазкур ҳолат, ноябрь ойида қурилиш ишлари ҳажмининг мавсумий секинлашиши билан изоҳланиши мумкин¹.


10-расм. Қурилиш соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



¹ Сўровларни ойлик тартибда ўтказиш амалиёти жорий йилнинг июнь ойидан йўлга қўйилганлиги сабабли, ҳозирда иқтисодий фаолликнинг шаклланишида мавсумий омилларнинг таъсирини баҳолаш имконияти мавжуд эмас.

Шу билан бирга, тармоқда **ишбилармонлик кайфияти индексининг** ноябрь ойида октябрь ойидаги **52,3** дан **55,4** гача ошиши кузатилди. Бунда, қурилиш корхоналарининг келгуси **3** ойда янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ кутилмалари 5,4 бирликка ҳамда қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши бўйича кутилмалари 4,9 бирликка ошган.

11-расм. Қурилиш соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати



Шунингдек, жорий йилнинг ноябрь ойида қурилиш корхоналарининг молиявий ҳолати индекси 3,3 бирликка яхшиланган бўлса, айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати индекси 3,3 бирликка пасайганлиги кузатилди.

Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Хизматлар соҳасида август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида тармоқда иқтисодий фаолликнинг жадал тикланиши кузатилган бўлса, ноябрь ойига келиб иқтисодий фаолликнинг ошиши бирмунча секинлашди.

Мазкур ҳолат август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида тармоқда иқтисодий фаолликнинг жадал тикланиши ва ноябрь ойига келиб ўзининг барқарор ҳолатига қайтиши билан изоҳланиши мумкин.

Хусусан, ноябрь ойида хизматлар соҳасида **иқтисодий фаоллик индекси** октябрь ойига (58,2) нисбатан 6,8 бирликка пасайиб, **51,4** ни ташкил қилди. Бунда, хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик


индексининг барча компонентларида, хусусан, хизмат кўрсатиш ҳажми (9,2 бирликка), иш ўринлари сони (2,2 бирликка) ва хизматларга талаб (8,9 бирликка) индексларида пасайиш кузатилди.

12-расм. Хизматлар соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Мазкур пасайиш асосан иқтисодий фаоллик индексининг транспорт хизматлари ва тиббий хизматлар соҳаларида 8,1 бирликка пасайиши билан изоҳланади.


13-расм. Хизматлар соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шу билан бирга, ноябрь ойида хизматлар соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** октябрь ойидаги **64,6** дан **62,5** гача пасайган бўлиб, индекс таркибидаги хизмат кўрсатиш ҳажми индекси 1,6 бирликка, иш ўринлари сони индекси 2,7 бирликка ва хизматларга талаб индекси 1,8 бирликка пасайганлиги кузатилди.

Мазкур ҳолат асосан меҳмонхона хизматлари тармоғида ишбилармонлик кайфияти индексининг 23,3 бирликка пасайиши билан изоҳланади.

14-расм. Хизматлар соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, ноябрь ойида респондентларнинг молиявий ҳолати индекси 6,4 бирликка, айланма маблағлар таъминланганлик ҳолати индекси 5 бирликка ёмонлашганлиги кузатилди.

Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Жорий йилнинг ноябрь ойида савдо соҳасида **иқтисодий фаоллик индексининг** 52,3 дан 52,9 гача ёки 0,6 бирликка ошиши кузатилди.


15-расм. Савдо соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Бунда, маҳсулотлар сотув ҳажми индекси 0,4 бирликка пасайган бўлса, иш ўринлари сони индекси 1,8 бирликка яхшиланиб, 51,2 ни ташкил этди.

Шу билан бирга, савдо соҳасида ноябрь ойида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ижобий шаклланган бўлсада, мазкур кўрсаткич октябрь ойидаги 58,7 дан 57 гача пасайди.

16-расм. Савдо соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Бунда, савдо корхоналарининг маҳсулотлар сотув ҳажми бўйича келгуси 3 ойдаги кутилмаларининг 1,3 бирликка пасайганлиги кузатишга бўлса, иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар 1,2 бирликка яхшилانган.

III. Методологик изоҳлар

Иқтисодий фаоллик индекси – корхоналарнинг жорий иқтисодий фаоллигини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ иқтисодий фаоллик индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади. Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

Тармоқ иқтисодий фаоллик индекслари эса, ўз навбатида, ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажми, ишчилар сони, буюртмалар (талаб) ва товар-хом ашё захиралари ҳажми ўзгариши ҳолатини акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Иқтисодий фаоллик индекси 0 дан 100 гача бўлган оралиқда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши жорий иқтисодий фаолликнинг ижобий шаклланганлигини кўрсатади.

Ишбилармонлик кайфияти индекси (*Business confidence index*) – корхоналарнинг келгуси даврлар учун иқтисодий кутилмаларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ ишбилармонлик кайфияти индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади.

Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

Тармоқ ишбилармонлик кайфияти индекси ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш), буюртмалар (талаб), тайёр маҳсулотлар захиралари ҳажми ва ишчилар сони ўзгариши бўйича кутилмаларни акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Ишбилармонлик кайфияти индекси 0 дан 100 гача бўлган оралиқда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши келгусида иқтисодий фаолликнинг ижобий ўзгаришини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган

E-mail: sturginboev@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-09